

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА**

**ЦИНК ВА ЦИНКА БОҒЛИҚ ЭНДОПЕПТИДАЗАЛАРНИ ҲИСОБГА  
ОЛГАН ҲОЛДА АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА  
НОТУРҒУНЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ДИАГНОСТИК ВА  
ПРОГНОСТИК ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика  
14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Усманова Захро Абдувалиевна**

Цинк ва цинкка боғлиқ эндопептидазаларни ҳисобга олган  
ҳолда атеросклеротик пиллакча нотурғунлигини баҳолашга  
диагностик ва прогностик ёндашувларни ишлаб чиқиш..... 3

**Усманова Захро Абдувалиевна**

Разработка диагностических и прогностических подходов  
к оценке нестабильности атеросклеротической бляшки  
с учетом цинка и цинк-зависимых эндопептидаз..... 31

**Usmanova Zakhro Abduvalievna**

Development of diagnostic and prognostic approaches for  
assessing atherosclerotic plaque instability considering zinc  
and zinc-dependent endopeptidases..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 65

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА**

**ЦИНК ВА ЦИНКА БОҒЛИҚ ЭНДОПЕПТИДАЗАЛАРНИ ҲИСОБГА  
ОЛГАН ҲОЛДА АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА  
НОТУРҒУНЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ДИАГНОСТИК ВА  
ПРОГНОСТИК ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика  
14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Tib314 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Арипов Абдумалик Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Розиходжаева Гульнора Ахмедовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Усманова Дурдона Джурабаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Холимбетов Гуломжон Султанбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Алиева Раъно Бурхановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.А. Бабажанова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Атеросклероз ва у билан боғлиқ юрак-қон томир касалликлари жаҳон ва мамлакатимиз учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Атеросклеротик жараён узок вақт давомида яширин кечади ва ўзининг клиник кўринишларини юрак ишемик касаллиги (ЮИК), сурункали цереброваскуляр етишмовчилик ва уларнинг асоратлари - миокард инфаркти, мия инсульти ва тўсатдан ўлим каби шаклларда намоён қилади. Ўзбекистонда ҳам ўлим сабабларининг асосий қисмини, асосан, ЮИКдан иборат бўлган юрак-қон томир касалликлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2023 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган умумий ўлим ҳолатларининг 61,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларига тўғри келади<sup>1</sup>.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 17,9 миллион киши юрак-қон томир касалликларидан вафот этади. 2021 йилда ЮИК натижасида жами 9,1 миллион киши вафот этган<sup>2</sup>. Матрикс металлопротеиназалар (ММП-9), унинг ингибиторлари (ТИМП-1) ва уларнинг нисбатлари атеросклеротик пиллакча (АСП) барқарорлигини тавсифлаш учун муҳим белгиловчилар эканлиги ҳақидаги фикр мавжуд. Чунки бу кўрсаткичлар ҳужайра ташқарисидagi матрицанинг тузилишига, АСП фиброз копламаси коллаген толаларига таъсир кўрсатади<sup>3</sup>. Маълумки, ММП ҳужайра ташқарисидagi тўқималар матрицасини парчалаш ва тиклаш учун жавоб берадиган рухга боғлиқ эндопептидазалар оиласига мансубдир. ММП ўзининг фаол марказида каталитик жараёнларда иштирок этувчи рух ( $Zn^{2+}$ ) ионларини ўз ичига олади. Рух ( $Zn$ ) ўз навбатида у билан боғланадиган оксилларга хилма-хил функцияга эга бўлган биологик тизимларда муҳим рол ўйнайди. ММП  $Zn^{2+}$  ионларини металлотионеиндан ММПга ташиш орқали фаоллашади. Рух даражасининг турли биосубстратлардаги етишмовчилиги семизлик, 2-тоифа қандли диабет (ҚД2), гипертония, ЮИК ва атеросклероз ривожланиши билан боғлиқ экани аниқланган<sup>4</sup>. Ушбу касалликларда турли биосубстратларда: қон зардобиди, эритроцитларда, сочларда  $Zn$  танқислиги қайд этилган бўлса-да, ЮИК билан оғриган беморларда бир вақтнинг ўзида сочларда, уйқу артерияси атеросклеротик пиллакчаларида ва зардобда  $Zn$  концентрацияси ҳали ўрганилмаган.

Республикада тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу борада «...кўрсатилаётган

<sup>1</sup> Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Демографическая ситуация в Республике Узбекистан за январь-декабрь 2023 года. [https://stat.uz/img/demografiya-press-reliz-26\\_01\\_2024-rus.pdf](https://stat.uz/img/demografiya-press-reliz-26_01_2024-rus.pdf)

<sup>2</sup> WHO. Available Online at: <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death> (accessed August 7, 2024)

<sup>3</sup> Рагино Ю.И., Чернявский А.М., Полонская Я.В., Волков А.М., Каштанова Е.В., Цымбал С.Ю. и др. Воспалительно-деструктивные биомаркеры нестабильности атеросклеротических бляшек: исследования сосудистой стенки и крови// Кардиология. - 2012. - № 5. - С. 37-41.

<sup>4</sup> Tamura Y. The Role of Zinc Homeostasis in the Prevention of Diabetes Mellitus and Cardiovascular Diseases// J. Atheroscler. Thromb. – 2021. – vol. 28. – pp. 1109-1122. doi: 10.5551/jat.RV17057.

тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш. Жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини шакллантириш...»<sup>5</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар атеросклеротик пиллакчалар барқарорлигининг диагностик ва прогностик биомаркерларини ўрганиш ва уларни атеросклероз давосини мониторинг қилиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда илғор технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали хасталиклар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ 5590-сон “Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** ЮИК мавжуд беморларда каротид атеросклероз кечишини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, St George’s University of London, Clinical Sciences Building, Leicester Royal Infirmary (Буюк Британия), Johann Wolfgang Goethe University Frankfurt am Main (Германия), University of Heidelberg (Германия), Clinic for Thoracic and Cardiovascular Surgery, Heart Centre (Германия), Institute of Community Medicine and Institute of Clinical Medicine, University of Tromsø (Норвегия), Cardiology Institute, Catholic University (Италия), А.Л. Мясников номидаги клиник кардиология институти (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Каротид ва коронар артериялар атеросклерозининг биргаликда кечишига оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: каротид атеросклероз ўзининг клиник олди босқичида ва нообструктив АСП бўлганда ҳам, унинг ЮИК ва юрак-қон томир ҳодисалари юқори ҳавфи билан боғлиқлиги тасдиқланган (St George’s University of London, Буюк Британия; Johann Wolfgang Goethe University

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Frankfurt am Main, Германия); уйқу ва тож артерияларининг ҳамроҳ зарарланиши мавжуд беморлар ўта юқори ҳавф гуруҳига кириб, ҳозирда уларни бошқаришга тегишли ягона консенсус мавжуд эмаслиги асосланган (University of Heidelberg, Германия); бундай касалларда каротид эндартерэктомия жарроҳлик амалиёти пайтида миокард инфарктининг юқори ҳавфи билан боғлиқлиги, тож артерияларини шунтлаш эса, неврологик асоратларининг юқори ҳавфи билан кузатилиши исботланган (Clinical Sciences Building, Leicester Royal Infirmary, Буюк Британия); катта ёшли аҳолининг умумий сонида уйқу артерияси стенози тарқалганлиги тахминан 4%ни ташкил этса (Institute of Community Medicine and Institute of Clinical Medicine, University of Tromsø, Норвегия), ЮИКга чалинган беморларда эса бу 30%-70%га етиши мумкинлиги тасдиқланган (Cardiology Institute, Catholic University, Италия). Аортокоронар шунтлаш амалиётини ўтказган беморларда камида битта ички уйқу артериясида (ИУА) 50%дан ошиқ стенознинг тарқалганлиги 20% ни ташкил қилса, уйқу артерияси стенози даражаси (УАСД) 70%дан ортиқ бўлиши 2%-12% ҳолатларда учраши аниқланган (Clinic for Thoracic and Cardiovascular Surgery, Heart Centre, Германия).

Бугунги кунда юрак-қон томир асоратлари ривожланиш ҳавфи даракчиси сифатида АСПнинг нотурғунлигини кўрсатувчи маркерларни топиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги биокимёвий ва молекуляр-генетик маркерлар мажмуини яратиш; бу биомаркерларни идентификациялаш, тавсифлаш ҳамда тегишли тест-тизим ва баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш; нотурғун АСПни ташхислаш усулларини такомиллаштириш; бунда ММП-9 ва ТИМП-1нинг ролини аниқлаш ва нотурғун АСПнинг салбий оқибатларини олдини олиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда каротид артерияларидаги атеросклеротик пиллакчанинг нотурғунлигини аниқлашда лаборатория ва асбобий ташхис усулларининг кенг спектри мавжуд. Бироқ, лаборатория кўрсаткичлари етарлича самарали эмас, чунки улар пиллакчанинг эрта босқичдаги нотурғунлигини ёки унинг аниқ жойлашишини аниқлаш имконини бермайди. Инструментал усуллар — ультратовуш текшируви, магнит-резонанс томографияси, мултиспирал компьютер томографияси ва позитрон-эмиссион томография — пиллакчанинг нотурғунлигини кўрсатувчи патоморфологик маркерларни, жумладан фиброз қопламаси қалинлиги, пиллакчанинг тузилиши, эрозия, яра, қон қуйилиш, кальцификация, липид ядроси ва унинг ичидаги ҳужайравий фаолликни аниқлашга қаратилган. Ушбу белгилар пиллакчанинг эрта ташхисиди ва унинг жойлашишини аниқлашда ёрдам беради.

Токлуева Л.Р., Балахонова Т.В., Страздень Е.Ю., Шария М.А., Лукьянов М.М., Радюхина Н.В. каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили шундан далолат берадики, юқоридаги усуллар атеросклеротик пиллакчанинг ёрилиши ҳавфини аниқ кўрсатиб беролмайди. Бу ҳолда, энг кўп кузатиладиган қон томир фалокатлари айнан атеросклеротик пиллакчанинг ёрилиши орқали юзага келадиган артерия тромбози билан боғлиқ. Шу сабабли, клиник амалиётда қўллаш мумкин бўлган атеросклеротик пиллакчалар асоратларини башорат қилишнинг янги усулларини излаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Энг

истикболли йўналишлардан бири — каротид артериялардаги атеросклеротик пилакчалар ҳолатини ўрганиш орқали юрак-қон томир асоратларини башорат қилиш ҳисобланади.

Рагино Ю.И., Чернявский А.М., Волков А.М. ва бошқа хорижий олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, атеросклеротик пилакча — бу вақт ўтиши билан шаклланадиган динамик тузилма ҳисобланади. Қон томирлари деворидаги яллиғланиш ва деструктив жараёнларнинг турли босқичларини, хусусан, коронар атеросклерози бор беморлардаги нотурғун пилакчаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу ҳолатда ММП-9 даражаси ошади, ТИМП-1 даражаси эса пасаяди.

Потеряева О.Н. ва Турна А.А. маълумотларига кўра, ММПлар — бу цинк (Zn) ва кальцийга боғлиқ бўлган эндопептидазалар оиласига мансуб бўлиб, улар бириктирувчи тўқималарнинг таркибий қисмларини парчалашда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирда ушбу оилада ММП-1 дан ММП-28 гача бўлган 28та аъзо маълум бўлиб, ҳар бири матрикснинг турли тузилмавий молекулаларини деградация қилишда муайян вазифани бажаради.

Инсон протеомасининг 10%дан ортиғи физиологик шароитларда цинк билан боғланиш қобилиятига эга. У кўплаб оқсиллар таркибида бўлиб, транскрипция даражасини тартибга солади, нуклеин кислоталар ва оқсиллар биосинтези жараёнида иштирок этади. Бу микроэлемент ген экспрессиясини назорат қилишда, хужайра пролиферацияси ва дифференциациясида муҳим роль ўйнайди, шунингдек хужайранинг турли гормон ва ўсиш омилларига сезувчанликни шакллантиришда иштирок этади. Овқатланиш рақибонида цинк етишмовчилиги яхши ўрганилган бўлиб, бу ўсишдан қолиш, нейропатия, диарея, дерматит, артериал гипотонияси ва гипертермияга олиб келиши мумкин. Hosseini R., Ferns G.A., Mirshekar M.A., Jalali M. тадқиқотлари цинк кўшимчалари оксидловчи шикастланишларни камайтириши мумкинлигини кўрсатган. Цинкнинг антиатеросклеротик таъсири Kwon Y-J., Lee H.S., Park G., Yang J., Kim H-M., Lee J-W. каби тадқиқотчилар томонидан қайд этилган ва эпидемиологик кузатувларда юрак-қон томир касалликлари билан тескари боғлиқлиги аниқланган, аммо унинг таъсир механизми тўлиқ ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг асосий илмий йўналишларига мувофиқ “Ички касалликлар профилактикаси, ташҳислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уйқу артериялари атеросклеротик зарарланиши мавжуд юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда цинк ва цинкка боғлиқ эндопептидазалар фаоллигини ҳисобга олган ҳолда атеросклеротик пилакча нотурғунлигини баҳолашга диагностик ва прогностик ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

каротид атеросклерози бор юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник-анамнестик, лаборатор ўзига хосликларини ўрганиш;

турли биосубстратларда цинк миқдорини аниқлаш (сочда, қон зардобиди, каротид эндартерэктомияда олинган атеросклеротик пилакчаларда);

каротид атеросклерозли беморларда цинкнинг турли биосубстратлардаги миқдорини цинкка боғлиқ эндопептидазалар ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорига боғлиқлигини ўрганиш;

уйқу артериялари атеросклеротик пилакчалари биоптати гистологик таҳлилига кўра пилакчалар морфометрик тавсифини ўрганиш;

нотурғун атеросклеротик пилакчалар биоптати гистологик таҳлилининг морфометрик тавсифини цинк, цинкка боғлиқ эндопептидазалар миқдори билан корреляцион боғлиқлигини ўрганиш;

цинкка боғлиқ эндопептидазалар (ММП-9 ва ТИМП-1) фаоллигини ҳисобга олган ҳолда нотурғун атеросклеротик пилакча ахборот моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бош магистраль артерияларнинг рангли дуплекс сканерлаш усули орқали аниқланган каротид артерияларидаги атеросклеротик пилакчаларга эга бўлган 148 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ММП-9, ТИМП-1, цинк, липид спектрини миқдорий аниқлаш учун веноз қон ва қон зардобиди; цинк миқдорини аниқлаш учун атеросклеротик пилакча ва соч материаллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотлари умумклиник, функционал, лаборатор текширувлар: биокимёвий, иммунофермент таҳлил, оптико-эмиссион спектрометрия, гистологик, статистик ва математик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

уйқу артериялари атеросклерози оғирлик даражаси қон, соч ва атеросклеротик пилакчалардаги цинк миқдорларига бевосита боғлиқлиги, биосубстратларда унинг даражасининг камлиги касаллик клиник кечишини башорат қилиши асосланган;

каротид атеросклерозига эга юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда қон зардобидидаги ТИМП-1 билан цинк миқдорлари ўртасида тесқари узвий боғлиқлик аниқланган;

уйқу артерияларида нотурғун АСП мавжуд беморлар қон зардобидида ММП-9, ТИМП-1 ва уларнинг нисбати ошиб кетиши, соч ва АСПларида цинк миқдори камайиши исботланган;

нотурғун АСПнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг нотурғун АСП ташхисига сезиларли таъсир қилиши аниқланган;

танланган текширув усулларига мос ҳолда ишлаб чиқилган нотурғун АСПнинг мантиқий модели АСП нотурғунлигини эрта ташхислашга ёрдам бериши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЮИК бўлган беморларда ММП-9 ва ТИМП-1нинг зардобидидаги миқдорини ҳисобга олган ҳолда томирлар атеросклеротик пилакчаси ҳолатини комплекс баҳолаш юрак-қон томир асоратлари ривожланиш ҳавфини ўз вақтида ташхислаш имкони яратилган;

ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорини сақловчи ишлаб чиқилган алгоритм каротид атеросклерозли беморларда нотурғун атеросклеротик пилакча индексини ҳисоблаш орқали нотурғун АСПни прогнозлашнинг информативлиги ва барқарорлигини оширган;

математик усулларни қўллаш орқали автоматлаштирилган диагностика усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда текшириш айниқса атеросклероз ривожланишининг эрта босқичларида диагностик жараёнлар самарадорлигини ошишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, гормонал, генетик, инструментал ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уйқу артерияси атеросклерози мавжуд беморларда нотурғун АСП ривожланишининг муҳим патогенетик механизмларини аниқлаш, беморлар комплекс ультратовуш текширувида ремоделланиш кўрсаткичларини баҳолаш, ҳар бир беморда томирлар патологик ўзгаришлари, уларнинг даражаси, тарқалганлиги ва гемодинамик аҳамиятини ташхислашни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АСП ҳолатини тавсифловчи ультратовуш кўрсаткичлар, ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорини қон зардобда аниқлаш, цинкни турли биосубстратлардаги миқдорини каротид атеросклезори мавжуд беморларда ўрганиш нотурғун АСПни самарали баҳолаш ҳамда атеросклероз ва унинг асоратларини салбий кечишини прогнозлаш усулини ишлаб чиқилганлиги, интеллектуал моделлаш асосида нотурғун АСП ташхисининг комплекс усули тавсия этилганлиги, НАСП таснифи ва ташхисининг тадқиқ қилинган усул ва алгоритмлари беморга индивидуал ёндашишни ҳисобга олган ҳолда даволаш муолажалари рационал тактикасини танлаш, қабул қилинадиган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Цинк ва цинкка боғлиқ эндопептидазаларни ҳисобга олган ҳолда атеросклеротик пилакча нотурғунлигини баҳолашга диагностик ва прогностик ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* уйқу артериялари атеросклерози оғирлик даражаси қон, соч ва АСПдаги цинк миқдорларига бевосита боғлиқлиги, биосубстратларда унинг даражасининг камлиги касаллик клиник кечишини башорат қилиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказининг 27.01.2024 йилдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар

тиббий маслаҳат диагностика марказининг 7.02.2024 йилдаги 25-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/27 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: цинкнинг турли биосубстратлардаги миқдорини текшириш унинг етишмовчилигини эрта аниқлашга, атеросклероз асоратларини олдини олишга хизмат қилган. Иқтисодий самарадорлиги: цинк етишмовчилигини эрта аниқлаш орқали атеросклероз асоратлари билан касалхонага ётишлар сонини камайтиришга муайян даражада хизмат қилган. Хулоса: ушбу маълумотлар беморларни даволаш тактикасига индивидуал ёндашиш ва микроэлементлар ҳолатини меъёрлаштириш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* каротид атеросклерозига эга юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда қон зардобдаги ТИМП-1 миқдори билан цинк миқдори ўртасида тесқари узвий боғлиқлик аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказининг 27.01.2024 йилдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат диагностика марказининг 7.02.2024 йилдаги 25-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/27 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: нотурғун АСП маркерларининг цинк билан боғлиқлигини ўрганиш ушбу микроэлемент етишмовчилигини олдини олиш орқали аҳолида юрак-қон томир касалликларининг эрта ташхиси ва прогнозини яхшилаш, асоратлар хавфини камайтириш имкони бўлиши исботланган. Иқтисодий самарадорлиги: нотурғун АСП эрта ташхиси ва индивидуал ёндашув орқали даволаш харажатларини камайтиришга хизмат қилган. Хулоса: нотурғун АСП ташхиси ва башоратида мукамал ёндашув имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* уйқу артерияларида нотурғун АСП мавжуд беморлар қон зардобда ММП-9, ТИМП-1 ва уларнинг нисбати ошиб кетиши, соч ва АСПларида цинк миқдори камайиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказининг 27.01.2024 йилдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат диагностика марказининг 7.02.2024 йилдаги 25-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/27 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: АСП ҳолатини комплекс баҳолаш орқали юрак-қон томир асоратларини келтириб чиқарувчи нотурғун АСПни эрта аниқлаш имконини яратган ва янги диагностик ва прогностик ёндашув ишончилигини оширган. Иқтисодий самарадорлиги: нотурғун АСПни эрта аниқлаш орқали юқори харажатли жарроҳлик амалиётлари ва реанимация даволарининг олди олинади. Хулоса: каротид атеросклерози асоратлари патогенезида биологик намуналардаги цинк миқдори муҳим роль ўйнашини тасдиқлайди;

*тўртинчи илмий янгилик:* нотурғун АСПнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг нотурғун АСП ташхисига сезиларли таъсир қилиши аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказининг 27.01.2024 йилдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат диагностика марказининг 7.02.2024 йилдаги 25-сонли

буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/27 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: нотурғун АСПга сезиларли таъсир қилувчи кўрсаткичларни аниқлаш беморлар текширувидан олинган кенг маълумотларни умумлаштириш ва тартиблаштиришга кўмак беради. Бу эса самарали ташхис қўйиш имкониятига хизмат қилган. Иқтисодий самарадорлиги: ҳар бир кўрсаткични инобатга олиш ташхис самарадорлигини оширишга имкон берган. Хулоса: ўрганиладиган танланма шаклланиш жараёнида 83 белгидан мусбат ҳисса қийматли 51 белги танлаб олинди, улардан АСПнинг нотурғунлиги ҳақида қарор қабул қилишга аҳамиятли таъсир қилувчи 31 белги ажратилган;

*бешинчи илмий янгилик:* танланган текширув усулларига мос ҳолда ишлаб чиқилган нотурғун АСПнинг мантиқий модели АСП нотурғунлигини эрта ташхислашга ёрдам бериши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказининг 27.01.2024 йилдаги 14-сонли ва Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат диагностика марказининг 7.02.2024 йилдаги 25-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/27 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: илмий натижаларнинг жорий қилиниши нотурғун АСПни самарали баҳолаш ҳамда атеросклероз ва унинг асоратларини салбий кечишини башорат қилиш, нотурғун атеросклеротик пиллакчали беморларни эрта аниқлаш, ушбу касалликни самарали олдини олиш ва даволаш ёндашувини аниқлаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: нотурғун АСПни самарали баҳолаш госпитализация ҳаражатларини 126,7 миллион сўмга камайтириш имконини берган. Хулоса: ишлаб чиқилган атеросклеротик жараён ташхиси моделини текшириш маълумотлари эксперт ахборотига кўра 92% ҳолларда беморлар ташхиси билан тўғри келишини кўрсатган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда эълон қилинган бўлиб, жумладан 8 халқаро миқёсдаги ва 2 та республика конгресс ва конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва

предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Нотурғун атеросклеротик пилакча ва унинг биомаркерларининг клиник-прогностик аҳамияти бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи”**да атеросклероз ҳақида замонавий тасавурлар, ЮИК мавжуд беморларда каротид атеросклерозни ўрганиш аҳамияти, нотурғун АСП тушунчаси, атеросклероз мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланишида турли маркерларнинг клиник-прогностик аҳамияти, каротид атеросклерозни ультратовуш баҳолашнинг ўрни таҳлил қилинган, ММП ва уларнинг ингибиторларига, шунингдек цинк ва унинг ММП фаоллашишидаги ролига алоҳида эътибор ажратиб нотурғун атеросклеротик пилакча биомаркерлари шарҳи батафсил келтирилган, ЮҚТТ касалликлари патогенезида, томирлар ремоделлашувида ММП ва унинг ингибиторлари роли ҳамда уларнинг атеросклероздаги прогностик аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган усуллар”**да клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган. Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли Марказий клиник шифохонаси (118 бемор) ва Тошкент тиббиёт академияси (30 бемор) нинг ҳамкорликдаги илмий-текширув ишлари доирасида амалга оширилди. 345 нафар бемор текширилиб, улардан истисно қилиш мезонларини ҳисобга олган ҳолда чуқурроқ ўрганиш учун 168 нафар киши танлаб олинди. Танланмага кирган кишилар 45-89 ёшда бўлишди, ўртача  $63,40 \pm 0,82$  ёш. Улардан 122 нафари (72,6%) эркаклар, ўртача  $63,67 \pm 1,79$  ёш ва 46 нафар (27,4%) аёллар, ўртача  $62,65 \pm 1,10$  ёш. Асосий нозологик шакллар ташхиси стационарда умумқабул қилинган мезонлар асосида қўйилди. Назорат гуруҳини саломатлигига шикоятлари бўлмаган юрак-қон томир касалликларининг объектив кўринишларисиз 20 (11,9%) амалда соғлом (ўртача ёши  $59,0 \pm 2,48$  бўлган) кишилар ташкил этди. Текшириладиган гуруҳлар ечиладиган вазифалардан келиб чиқиб шаклланди.

Тадқиқотдан чиқариб юбориш мезонлари қуйидагилар бўлди: ўткир миокард инфаркти, кардиомиопатиялар, ўткир миокардит, перикардит, чап қоринча отиш фракцияси 45% дан кам беморлар, бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, ҳавфли ўсмалар, бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари, жигар циррози, ўткир инфекцион касалликлар, пневмофиброз ва ўпканинг сурункали оғир обструктив касалликлари.

Бобда ишда қўлланилган тадқиқот материал ва усуллари таърифланган. Беморларнинг умумклиник текширувида шикоятларни ўрганиш, анамнез маълумотлари, антропометрик маълумотлар (ёш, жинс, бўй, тана вазни индекси (ТВИ)) ва кардиоваскуляр ҳавф омилларини баҳолаш кирди. Ҳар бир

беморда анъанавий ҳавф омиллари (артериал гипертония, қандли диабет (ҚД2)нинг мавжудлиги, гиперлипидемия) таҳлил қилинди. 1-жадвалда тадқиқотда қўлланилган усуллар келтирилган.

### 1-жадвал

#### Қўлланилган тадқиқот усуллари

№	Усуллар	Ускуналар
1.	Умумий қон таҳлили	Sysmex КХ-21N (Япония)
2.	Биохимик қон таҳлили: -умумий холестерин (УХС), -юқори зичликдаги липопротеидлар холестерини (ЮЗЛ ХС), -паст зичликдаги липопротеидлар холестерини (ПЗЛ ХС), -триглицеридлар (ТГ) атерогенлик индекси (АИ), атерогенлик коэффиценти (АК)	Mindray BS-200 биохимик автомат анализатор (Хитой) Реактивлар - Human (Германия)
3.	Зардобдаги цинк (Zn) миқдорини аниқлаш	Mindray BS-200 биохимик автомат анализатор (Хитой) Реактивлар - «Zinc-Vital» (Россия)
4.	Индуктив-боғланган аргонли плазма билан оптико-эмиссион спектрометрия: -сочдаги цинк миқдори -АСПдаги цинк миқдори	Optima-2100DV оптико-эмиссион спектрометрии (PerkinElmer, АҚШ), MWS-3T намуналарни микротўлқинли парчалаш ускунаси (Berghof, Германия) Реактивлар – 3% H <sub>2</sub> O <sub>2</sub> ва 2% HNO <sub>3</sub>
5.	Иммунофермент таҳлили (ИФТ): -матрикс металлопротеиназаси-9 (ММП-9) -металлопротеиназанинг тўқима ингибитори - 1 (ТИМП-1) -ММП-9/ТИМП-1 индексини аниқлаш	Plate Reader планшетли спектрофотометр (Hospitex Diagnostics, Италия) Реактивлар - Bender-Medsystems GmbH, (Австрия)
6.	Электрокардиография 12 тармоқда	«АТ101» аппарат-программа комплекси («Shiller», Швейцария)
7.	Допплерэхокардиографик текширув (ASE 2015)	HD 3 Philips (Голландия) ва Samsung Medison SonoAce X6 (Корея)
8.	Брахиоцефал артерияларнинг калла суягидан ташқари бўлимларининг рангли дуплекс сканерлаш (БЦА РДС) [Кунцевич Г.И. и соавт. 2000, Pignoli P. и соавт., 1986]	HD 3 Philips (Голландия) ва Samsung Medison SonoAce X6 (Корея)
9.	АСП биоптатларининг гистологик текшируви	ишлов берилгач, 5-6 мкм кесилган АСП намуналари гематоксилин ва эозин билан ван Гизон усулида буялган.
10.	Материални статистик ва математик ишлов бериш усуллари	«Statistica for Windows» v. 6.0, StatSoft Inc. (АҚШ) дастури, математик моделлаштириш (Игнатъев Н.А., 2014)

Изоҳ: Шу ва бошқа жадвалларда УХС – умумий холестерин, ЮЗЛ ХС – юқори зичликдаги липопротеидлар холестерини, ПЗЛ ХС – паст зичликдаги липопротеидлар холестерини, ТГ – триглицеридлар, ММП-9-матрикс металлопротеиназаси-9, ТИМП-1-металлопротеиназанинг тўқима ингибитори -1, АСП-атеросклеротик пиллакча.

Учинчи боб “**Шахсий тадқиқот натижалари**”да доплер-эхокардиография, брахиоцефал артерияларнинг экстракраниал бўлимларини рангли дуплекс сканерлаш маълумотлари берилган. Беморлар зардобдаги липид профили кўрсаткичларини ўрганиш натижалари, цинкнинг турли биоматериаллардаги миқдори, ММП-9 ва ТИМП-1 концентрацияларини уларнинг референт қийматлари билан солиштириб баҳолаш келтирилган.

Каротид стенозига эга юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда цинкни бир вақтнинг ўзида соч, каротид АСП биоптатада ва зардобдаги миқдорини ўрганиш натижалари берилган. Қандли диабетни ҳисобга олган ҳолда цинкни турли биосубстратлардаги миқдори тақдим этилган.

Беморлар турли биосубстратларидаги цинк миқдорларининг корреляцион боғлиқликларини ўрганиш натижалари берилган. ММП-9 ва ТИМП-1ни беморлар турли биосубстратларидаги цинк миқдори билан боғлиқликлари батафсил таҳлил қилинган. Уйқу артериялари стенози даражаси билан ишончли корреляцион боғлиқликка эга кўрсаткичлар, шунингдек, кўп сонли регрессион таҳлил натижаларига кўра, ММП-9 миқдорига таъсир қилувчи омиллар берилган.

Микроскопик текширувда уйқу артериялари АСПларидаги асосий структур қисмлар ва жараёнлар ўрганилган ҳамда симптомли ва симптомсиз пациентлар АСПларининг гистологик ўзига хосликлари солиштирилган. Шунингдек, симптомли ва симптомсиз яққол каротид атеросклероз мавжуд беморлар гуруҳида турли биосубстратларидаги цинк миқдори ва қон зардобдаги ММП-9, ТИМП-1 концентрациясини ўрганиш натижалари берилган.

Гистологик таҳлил натижаларига кўра, турғун ва нотурғун АСПга эга пациентларда ММП-9, ТИМП-1 экспрессияси ва цинк миқдори ўрганилган. Кўп сонли регрессион таҳлил натижаларига кўра, нотурғун АСПга таъсир қилувчи омиллар берилган (боғланган ўзгарувчи сифатида нотурғун АСП).

Бобда бошқа омиллар таъсири остида боғланган кўрсаткични ўзгаришини аниқлашнинг у ёки бу вазифаларига классик кўп сонли регрессион таҳлил усулларини қўллаш жиддий қийинчиликлар туғдиришини аниқ кўрсатувчи мисоллар келтирилган ва баъзан у бошқа статистик ишлов бериш усулларидан олинган маълумотларга зид келади.

Бундай ҳолларда регрессия коэффицентларига мазмунли маъно беришга уринишлар нотўғри. Олинган натижалар фақат классик кўп факторли модель натижаларига асосланган боғлиқ ўзгарувчининг ўзгаришига омил ҳиссасини ҳисоблаш усуллари жуда зиддиятли деган фикрни тасдиқлайди. Математик усулнинг ноўрин қўлланилиши натижасида рухсатсиз қонуниятларидан келиб чиқадиган асоссиз ва ишончсиз хулосалар олинади ва танқидга ҳам учрайди.

Эхокардиография (ЭхоКГ) текшируви маълумотларига кўра, 126 (85%) нафар беморларда чап қоринча гипертрофияси, 5 (3%) нафарда қоринчалараро тўсиқ гипертрофияси аниқланган. 64 (43%) пациентларда клапанлар зичлашган. Чап қоринча диастолик дисфункцияси 47% ҳолларда учраган. Қоринчалараро тўсиқ ва чап қоринча орқа девори қисқариши бузилиши, тегишлича, 5% ва 36% ҳолларда аниқланди. Умумий қисқарувчанлик пасайиши 27 нафар (18%) беморларда аниқланди.

Брахиоцефал артерияларнинг экстракраниал бўлимларини рангли дуплекс сканерлаш натижаларига кўра, нотурғун АСПли беморларда нотекис юзали АСПлар (86,4%) устунлик қилди, текис юзали 13,6% ҳолларда бўлди. Ундан ташқари нотурғун, бошқача айтганда, АСП юқори эмбологенлиги пилакча юзаси яраланганлигига асосланган (33,2%).

Липид спектри кўрсаткичлари миқдорини баҳолаш дислипидемияларни ташхислаш ва даволаш бўйича Европа кардиологлар жамияти тавсияномаларида тақдим этилган референс қийматларга асосланиб ўтказилди, яъни УХС $\leq$ 5,7 ммоль/л, ТГ $\leq$ 1,71ммоль/л, ЮЗЛ ХС $\geq$ 0,9 ммоль/л, ПЗЛ ХС $\leq$ 1,4 ммоль/л.

УХС (80%), ЮЗЛ ХС (69%) миқдорлари кўп беморларда нормал қийматлар чегарасида бўлди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар ўртача миқдори нормал қийматларга эга бўлди. ПЗЛ ХС деярли барча беморларда юқори бўлди (99%). 1%гина пациентлар оптимал миқдордаги ПЗЛ ХСга эга бўлди. ТГ миқдорининг шартли нормал ва юқори қийматли кишилар сони муҳим фарқ қилмади (55% ва 45%, тегишлича,  $p>0,05$ ), лекин умуман ТГ ларнинг ўртача миқдори беморлар гуруҳида баланд бўлди – 1,97 ммоль/л (2-жадвал)

## 2-жадвал

### Беморлар зардобида липид профили кўрсаткичларининг тавсифи

Кўрсаткичлар (n=148)	Минимум, Максимум, Медиана	Квартиллар 25 75	М, m, σ	Шартли нормал миқдор (абс.сон, %)	Ошган миқдор* (абс.сон, %)
УХС, ммоль/л (норма $\leq$ 5,7)	2,9 8,4 4,8	4,4 5,5	5,06 0,09 1,15	n=118 (80%)	n=30 (20%) p<0,05
ТГ, ммоль/л (норма $\leq$ 1,71)	0,54 6,92 1,64	1,36 2,48	1,97 0,09 1,10	n=81 (55%)	n=67 (45%) p>0,05
ЮЗЛ ХС, ммоль/л (норма $\geq$ 0,9)	0,59 1,63 0,94	0,87 1,03	0,97 0,02 0,18	n=102 (69%)	n=46 (31%) p<0,05
ПЗЛ ХС, ммоль/л (норма $\leq$ 1,4)	1,29 6,1 3,4	3,02 4,01	3,56 0,07 0,87	n=2 (1%)	n=146 (99%) p<0,05

Изох: \* - ЮЗЛ ХС учун – камайган миқдор.

Зардобдаги ММП-9, ТИМП-1, соч ва АСПдаги Zn концентрацияси бўйича натижалар таҳлили бу кўрсаткичларнинг назорат гуруҳидаги миқдорига қараб ўтказилди. Зардобдаги Zn учун нормал қийматлар реактивлар йўриқномасида келтирилган 7-23 мкмоль/л ораликда ҳисобланди. Ушбу микроэлемент назорат гуруҳи зардобидида 18,3 $\pm$ 1,99 мкмоль/л, сочида 301,74 $\pm$ 38,14 мкг/г, уйқу артерияси нормал томирларида 148,55 $\pm$ 25,66 мкг/г ни ташкил қилди. Шунингдек, назорат гуруҳида ММП-9 концентрацияси 197,42 $\pm$ 9,16 нг/мл, ТИМП-1 миқдори 1192,51 $\pm$ 80,45 нг/мл, ММП-9/ТИМП-1 эса 0,17 $\pm$ 0,01 ни ташкил қилди. Юқорида санаб ўтилган

кўрсаткичларнинг каротид атеросклерозли беморлар биологик намуналаридаги миқдорининг тавсифи 3-жадвалда тақдим этилган.

### 3-жадвал

#### Беморлар биосубстратидаги кўрсаткичлар тавсифи

Кўрсаткичлар	Минимум, Максимум, Медиана	Квартил- лар 25 75	М, m, σ	Шартли нормал миқдор* (абс.сон, %)	Ошган миқдор**(абс. сон, %)
<b>ММП-9, нг/мл</b> (шартли норма <=197,42)	28,10 1241,20 219,00	188,99 368,60	328,71 19,98 243,07	n=44 (30%)	n=104 (70%) p<0,05
<b>ТИМП-1, нг/мл</b> (шартли норма <=1192,51)	774,80 3677,30 1405,80	1014,21 1979,91	1642,06 63,72 775,25	n=55 (37%)	n=93 (63%) p<0,05
<b>ММП-9 /ТИМП-1</b> (шартли норма <=0,17)	0,01 0,56 0,19	0,11 0,23	0,20 0,008 0,10	n=70 (47%)	n=78 (53%) p>0,05
<b>Zn зардобда,</b> <b>мкмоль/л (норма</b> <b>7-23)</b>	2,40 39,20 14,85	9,70 17,35	14,28 0,62 7,55	n=103 (70%)	n=27 (18%) n=18 (12%)* p<0,05
<b>Zn сочда мкг/г</b> (шартли норма >=301,74)	0,76 594,45 202,41	150,86 253,72	210,08 8,44 102,71	n=21 (14%)	n=127 (86%) p<0,05
<b>Zn АСПда, мкг/г</b> (шартли норма >=148,55)	15,40 399,46 60,95	26,07 91,63	81,72 15,73 86,17	n=4 (13%)	n=26 (87%) p<0,05

Изох: \* - назорат гуруҳи маълумотларига асосан, \*\* - цинк (Zn) учун – камайган миқдор, \*\*\* - зардобдаги Zn ошган.

Олинган натижаларга кўра, зардобдаги ММП-9 70% текширилган каротид атеросклерозли беморларда ошди, 30%ида эса шартли нормал бўлди. ММП-9нинг ўртача миқдори гуруҳда баланд бўлди – 328,71 нг/мл.


Зардобдаги ТИМП-1 миқдори 63% беморларда ошди, 37%ида эса шартли нормал бўлди. Лекин умуман гуруҳда ТИМП-1 ўртача миқдори юқори бўлди – 1642,06 нг/мл.

ММП-9/ТИМП-1 нисбати нормал ва баланд кўрсаткичлар орасида статистик фарқ қилмади. Бироқ гуруҳда ўртача миқдор баланд бўлди - 0,2.

Zn нинг сочдаги ва АСПдаги миқдори келсак, улар беморларнинг сезиларли сонидан пасайди. Шунингдек, сочдаги (210,08 мкг/г) ва АСПдаги (81,72 мкг/г) Zn нинг беморлар гуруҳида ўртача миқдори камроқ бўлди.

Зардобдаги Zn миқдори таалуқли натижалар бошқа кўрсаткичлардан фарқли равишда бўлди. Яъни, кўпгина каротид атеросклерозли беморларда (70%ида) зардобдаги Zn миқдори референт чегараларда бўлди. Қолган беморларда (18%ида) камайган, 12%ида эса зардобдаги Zn хатто кўпайган бўлди.

ЮИК мавжуд каротид атеросклерозли беморларда бир вақтнинг ўзида зардобдаги, сочдаги ва каротид АСП биоптатидаги цинк миқдорини ўрганиш натижалари 1-расмда тақдим қилинган.



**1-расм. Беморларда цинкнинг биосубстратлар (зардоб, соч ва атеросклеротик пиллакча)даги миқдори**

Цинкнинг энг юқори концентрацияси АСПдаги ( $81,72 \pm 15,73$  мкг/г) ва зардобдаги ( $10,35 \pm 0,39$  мкг/г) миқдорига нисбатан сочда ( $208,41 \pm 16,21$  мкг/г) аниқланди. Цинк миқдори зардобга нисбатан АСП да кўпроқ бўлди. Бизнинг натижалар шуни кўрсатдики, ёш ўтган сари зардобдаги ва АСПдаги цинк миқдори камаяди.

Қандли диабет патогенезида цинк катта рол ўйнагани учун турли биосубстратлардаги цинк миқдорининг қандли диабет билан корреляцион боғлиқлигини ўрганилди. Қандли диабет мавжудлигига кўра беморлар 2 гуруҳга бўлинди. ҚД2 йўқ ва ҚД2 бор беморлар гуруҳлари ёш, жинс, артериал гипертония, семизлик, зўриқиш стенокардияси, анамнезида миокард инфаркти ва инсульт учрашига кўра мос келди. Бироқ ҚД2 беморлар гуруҳида (75%) ҚД2 йўқ беморлар гуруҳига (35,6) нисбатан дислипидемия частотаси юқори бўлди. Шунингдек, ҚД2 гуруҳида ТВИ ва УУА ИМКҚ юқорирок эди ( $p < 0,05$ ). Иккала гуруҳ орасида зардобдаги цинк миқдори статистик аҳамиятли фарқ қилмади, лекин ҚД2 бўлган беморларда сочдаги ва АСПдаги цинк миқдори биринчи гуруҳга нисбатан камроқ бўлди (4-жадвал).


**4-жадвал**

**2-турдаги қандли диабет борлигига боғлиқ ҳолда турли биосубстратлардаги цинк миқдори**

Биологик субстрат	ҚД <sub>2</sub> йўқ беморлар	ҚД <sub>2</sub> бор беморлар
Зардобда, мкмоль/л	$14,9 \pm 0,81$	$13,3 \pm 0,96$
Сочда, мкг/г	$216,2 \pm 11,7$	$164,5 \pm 17,9^*$
АСПда, мкг/г	$102,5 \pm 10,5$	$63 \pm 13,04^*$

Изоҳ: \*-  $p < 0,05$

УУА ИМКҚ ва зардобдаги цинк орасида тескари корреляция аниқланди ( $r = -0,24$ ;  $p < 0,05$ ). Зардобдаги ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорининг биосубстратлардаги цинк миқдори билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаганда, ТИМП-1 миқдорининг зардобдаги цинк миқдори билан заиф корреляцияси топилди ( $r = -0,29$ ;  $p < 0,05$ ). Қолган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга бўлмади (2-расм).



**2-расм. ТИМП-1 миқдорининг зардобдаги Zn миқдори билан ўзаро боғлиқлиги**

Демак, УУА ИМКҚ катталашган сари зардобдаги цинк миқдори камаяди. Зардобдаги ТИМП-1 миқдори кўпайиши билан зардобдаги цинк миқдори камаяди.

**Атеросклеротик пилакчалар биоптати гистологик таҳлили натижалари.**

Ўрганилган уйқу артериялари АСП биопсия намуналарида турли даражадаги оғирликдаги атеросклеротик жароҳатлар аниқланганлиги сабабли, уларни энг асоратланган соҳасига кўра таснифланди. Гистологик текширувга кўра, кўпчиликда (25 пациентлар, 83%) АСП нотурғун деб таснифланди (шулардан 89%, яъни 22 АСП VI типга, қолганлари эса V, VII ва VIII турларга тегишли эди), шу билан бирга 30 беморнинг фақат 5 тасида (17%) турғун АСП аниқланди (улар IV, V, VII ва VIII турларга киритилди). КЭЭ жарроҳлик амалиётига йўналтирилган беморлар бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши (БМҚАЎБ) ёки транзитор ишемик атака (ТИА) анамнезида бор/йўқлигига кўра 2 гуруҳга бўлинди: Симптомсиз (n=12) ва симптомли (n=18) (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Симптомли ва симптомсиз беморлар гуруҳларида клиник ва гистологик ўзига хосликлар**

АСП турлари	Симптомсиз	Симптомли	Ҳаммаси
Турғун АСП, n (%)	3 (10)	2 (7)	5 (17)
Нотурғун АСП, n (%)	9 (30)	16 (53)	25 (83)
Ҳаммаси, n (%)	12 (40)	18 (60)	30 (100)

Изоҳ: n – беморлар сони, % - беморлар фоизи

Демак, гемодинамик аҳамиятли стеноз мавжуд (ўртача  $72,67 \pm 5,18\%$ ) симптомсиз 10% пациентларда атеросклеротик пилакчалари турғун, 30% атрофида нотурғун АСП учради. Симптомли (УАСД ўртача қиймати  $76,94 \pm 3,30\%$ ) беморларнинг 7%и турғун ва 53%и нотурғун АСПга эга эди. Шунингдек, иккала гуруҳда ҳам (симптомсиз беморларнинг 75%ида, симптомли беморлар 89%ида) тез-тез нотурғун АСП учраши аниқланди. Бу

клиник белгиларсиз беморлар гуруҳида ҳам БМҚАЎБ/ТИА ривожланиш хавфи юкорилигидан далолат беради.

Микроскопик текширувда АСПда турли частота билан ўзига хос таркибий қисмлар аниқланди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Уйқу артериялари атеросклеротик пилакча даги асосий таркибий қисмлар ва жараёнлар**

Таркибий қисмлар ва жараёнлар	Учраш частотаси, n (%)
Фиброз майдони	30 (100)
Липофаглар	26 (87)
Атероматоз ўчоқлари	25 (83)
Янги ҳосил бўлган томирлар	24 (80)
Кальциноз ўчоқлари	24 (80)
Лимфоцитлар	17 (57)
Қон қуйилиш ўчоқлари	8 (27)
Некроз ва шиш ўчоқлари	7 (23)
Атероматоз ўчоқлари соҳасида қопламанинг юқалашиши	4 (13)
Қопламанинг яраланиши	6 (20)
Пилакча қопламасида тромблар	6 (20)

Кўпроқ АСП нинг узок муддат давомида мавжудлигининг белгилари бўлган компонентлар топилди. Булардан, барча (100%) АСПларда фиброз майдони, 87% пилакчаларда липофаглар, 83%ида атероматоз ўчоқлари, 80%ида янги ҳосил бўлган томирлар, яна шунчасида кальциноз ўчоқлари мавжуд. 57% пилакчалар лимфоцитлар билан инфильтрация бўлган. АСПда содир бўладиган ўткир жараёнларни акс эттирувчи белгилар камроқ учради. 27% АСПларда қон кетиш ўчоқлари, 23%ида шиш ва некроз ўчоқлари, 17%ида атероматоз ўчоқлари соҳасида қопламанинг юқалашиши топилган, 20% пилакчалар яраланишлар ва қоплама устидаги тромблар билан асоратланган.

Симптомли ва симптомсиз беморлар АСПларининг гистологик ўзига хосликлари солиштирилганда, фиброз ва кальциноз майдонларидан атероматоз ўчоқларининг устунлиги симптомли кечувчи беморларда симптомсиз беморлар гуруҳига нисбатан 1,6 баробар тез-тез учраши аниқланди. Симптомли пациентларда атероматоз ўчоқлари соҳасида қопламанинг юқалашиши 2 баробар кўпроқ, АСП қопламасининг яраланиши 1,3 баробар кўпроқ, пилакчалар қопламаси устидаги тромблар 3,5 баробар тез-тез аниқланиши кузатилди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**Симптомсиз ва симптомли беморларда структур компонентлар ва жараёнлар аниқланиш частотаси**

Структур компонентлар ва жараёнлар	Симптомсиз, n (%)	Симптомли, n (%)
Пилакча майдонининг 50%дан кўпини эгалловчи атероматоз ўчоқлари	7 (58)	17 (94)
Атероматоз ўчоқлари соҳасида қопламанинг юқалашиши	1 (8)	3 (17)
Қопламанинг яраланиши	2 (17)	4 (22)
Пилакча қопламасида тромблар	1 (8)	5 (28)

Демак, симптомли пациентлар уйқу артериялари АСПда тез-тез нотурғун АСПдан далолат берувчи белгилар аниқланади. Бу бош мия қон айланиши ишемик бузилишини кечирган беморларда симптомсиз кечувчи пациентларга қараганда атеросклерознинг оғирроқ морфологик белгилари бўлишини исботлайди.

Симптомли ва симптомсиз беморлар гуруҳи солиштирилганда, ёш, жинс, липидлар миқдори, артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, анамнезида миокард инфаркти ва ҚД2 учрашига кўра мос келди. Лекин симптомли беморларда ( $7,18 \pm 0,68$  ммоль/л) симптомсиз беморларга ( $5,70 \pm 0,28$  ммоль/л) қараганда, қондаги глюкоза миқдори 1,3 баробар юқорироқ бўлди ( $p=0,05$ ). Шунингдек, қон зардобдаги ва уйқу артериялари АСП биопсия намуналаридаги цинк миқдори ва қон зардобдаги ТИМП-1 даражасига кўра ишончли фарқлар аниқланди.

Яъни, симптомли беморларда ( $14,59 \pm 0,56$  мкмоль/л) симптомсиз шахсларга нисбатан ( $17,68 \pm 1,03$  мкмоль/л) қон зардобдаги цинк миқдори 1,2 баробар пастроқ бўлди ( $p=0,014$ ). АСПлардаги цинк миқдори ҳам симптомли беморлар гуруҳида ( $51,76 \pm 8,64$  мкг/г) симптомсиз беморларга ( $126,66 \pm 33,95$  мкг/г) нисбатан 2,4 баробар камроқ бўлди ( $p=0,041$ ). Сочдаги Zn миқдори эса, симптомсиз беморлар гуруҳида  $183,78 \pm 17,03$  мкг/г ва симптомли беморларда  $224,84 \pm 24,12$  мкг/г ни ташкил қилди, бу фарқ статистик аҳамиятга эга эмас ( $p=0,18$ ) (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### Яққол каротид атеросклероз мавжуд симптомсиз ва симптомли беморлар гуруҳларида турли биосубстратлардаги цинк миқдори

Биологик субстрат	Симптомсиз беморлар гуруҳи	Симптомли беморлар гуруҳи
Зардобда, мкмоль/л	$17,68 \pm 1,03$	$14,59 \pm 0,56^*$
Сочда, мкг/г	$183,78 \pm 17,03$	$224,84 \pm 24,12$
АСПда, мкг/г	$126,66 \pm 33,95$	$51,76 \pm 8,64^*$

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$ .


Анамнезида БМҚАЎБ ёки ТИА бўлган каротид атеросклерозли беморлар қон зардоби ва АСПларида цинк миқдори симптомсиз пациентларга кўра камроқ. Бу каротид атеросклерози асоратлари патогенезида биологик намуналардаги цинк миқдори муҳим роль ўйнашини тасдиқлайди.

Ушбу гуруҳларни қон зардобдаги ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 индекси миқдорига кўра солиштирилганда, зардобдаги ТИМП-1 концентрацияси симптомли пациентлардан иборат иккинчи гуруҳда ( $2690,40 \pm 166,01$  нг/мл) биринчи гуруҳга ( $2178,32 \pm 166,73$  нг/мл) кўра 1,2 баробар баланд бўлди ( $p=0,038$ ) (3-расм).

Шундай қилиб, инсульт/ТИА ўтказган беморларда қон зардобдаги ТИМП-1 миқдори симптомсиз беморларга нисбатан баландроқ.

Корреляцион таҳлил қилинганда, симптомсиз пациентлар гуруҳида қон зардобдаги глюкоза ва сочдаги цинк миқдорлари орасида сезиларли тесқари боғлиқлик аниқланди ( $r=-0,65$ ;  $p < 0,01$ ). Шунингдек, қон зардобдаги ва

сочдаги цинк миқдорлари орасида заиф тескари корреляция топилди ( $r=-0,39$ ;  $p<0,1$ ). Қон зардобдаги ММП-9 миқдорининг қондаги цинк концентрацияси билан юқори мусбат боғлиқлиги ( $r=0,78$ ;  $p<0,0001$ ) ва сочдаги цинк миқдори билан сезиларли тескари корреляция кузатилди ( $r=-0,66$ ;  $p<0,01$ ).



Изоҳ: \* -  $p<0,05$ .

### 3-расм. Яққол каротид атеросклероз мавжуд симптомсиз ва симптомли беморлар гуруҳларида қон зардобдаги ММП-9, ТИМП-1, ММП-9/ТИМП-1 индекси миқдори

Демак, қондаги глюкоза миқдори ошган сари сочдаги цинк миқдори камаяди. Қон зардобдаги ММП-9 миқдори ошган сари зардобда цинк миқдори ошиб, сочда камаяди.

Ўтказилган гистологик таҳлил натижаларига кўра, беморлар турғун ва нотурғун АСП борлигига кўра гуруҳларга бўлинди. Солиштириш турғун АСПли 43 бемордан иборат 1-гуруҳ ва 30 нафар нотурғун АСПли жарроҳлик амалиётини ўтказган 2-гуруҳ ўртасида амалга оширилди.

НАСП ва турғун АСП (ТАСП) гуруҳлари орасида биосубстратлардаги цинк миқдори статистик аҳамиятли фарқ қилмади, лекин НАСП бўлган беморларда сочдаги ва АСПдаги цинк миқдори назорат гуруҳига нисбатан пастроқ бўлди (9-жадвал).

### 9-жадвал

#### Текширилувчи гуруҳларда зардобдаги, сочдаги ва атеросклеротик пиллакчадаги цинк миқдори

Биологик субстрат	назорат гуруҳи	турғун АСПли беморлар гуруҳи	нотурғун АСПли беморлар гуруҳи
Зардобда, мкмоль/л	18,34±1,99	15,89±1,18	15,83±0,59
Сочда, мкг/г	301,74±38,14	219,48±16,55	208,41±16,21*
АСПда, мкг/г	148,55±25,66	-	81,72±15,73*

Изоҳ: \*-  $p<0,05$ .

Зардобдаги ММП-9 ва ТИМП-1 миқдори НАСП гуруҳида ТАСП гуруҳига нисбатан 1,4 баробар юқори бўлди. ММП-9/ТИМП-1 индекси ТАСП ва НАСП гуруҳлари орасида статистик муҳим фарқ сезилмади (10-жадвал).

10-жадвал

**Атеросклеротик пилакчанинг нотурғунлигига кўра ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 индекси миқдорлари (M±m)**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	1-гуруҳ	2-гуруҳ
ММП-9, нг/мл	197,42±9,16	391,97±39,80	557,98±54,87*
ТИМП-1, нг/мл	1192,51±80,45	1836,14±124,11	2485,57±126,81*
ММП-9 /ТИМП-1	0,18±0,01	0,22±0,02	0,24±0,02

Изоҳ: \*- p<0,05.

Демак, гистологик таҳлил орқали тасдиқланган уйқу артериясининг нотурғун АСПси мавжуд беморларда ММП-9, ТИМП-1 ва уларнинг нисбати зардобда ошади, сочда ва АСПларда цинк миқдори камаяди, бу АСПнинг нотурғунлигидан далолат беради.

Боғлиқ ўзгарувчи (dependent variable) – АСПнинг нотурғунлиги омили (AP\_IN) ва боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи (independent variables) - ММП-9, ТИМП-1, ММП-9/ТИМП-1, зардоб ва сочдаги цинк, УАСД, АСП тури бўлган КСРТ ўтказилди. Аҳамиятсиз омиллар олиб ташлангач, модель қуйидаги кўринишга эга бўлди (11-жадвал):

11-жадвал

**Боғлиқ ўзгарувчи атеросклеротик пилакчанинг нотурғунлиги омили бўлган кўп сонли регрессион таҳлил**

Regression Summary for Dependent Variable: AP_IN R= ,58797227 RI= ,34571139 Adjusted RI= ,33668672 F(2,145)=38,307 p<,00000 Std.Error of estimate: ,32853						
	β	St. Err.of β	B	St. Err.of B	t(145)	p-level
Intercept			-0,36316	0,070626	-5,14196	8,66E-07
ТИМП1	0,397633	0,08356	0,000207	4,35E-05	4,758657	4,67E-06
УАСД	0,256991	0,08356	0,00435	0,001414	3,075531	0,002512

Изоҳ: БЕТА устунчасида стандартлаштирилган регрессия коэффиценти берилган, В устунчасида эса, стандартлашмаган коэффицентлар.

Демак, ўтказилган текширув натижалари юрак-қон томир асоратлари ривожланиш ҳавфи юқори бўлган беморларни ажратиш олишга ёрдам бериши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби “ММП ва унинг ингибиторлари фаоллигини ҳисобга олган ҳолда нотурғун атеросклеротик пилакча ахборот моделини ишлаб чиқиш” билан боғлиқ саволларга бағишланган. Ахборот моделини яратишдан мақсад яширин қонуниятлар шаклидаги маълумотлар базасидан нотурғун АСП ҳақидаги янги билимларни ажратиш олишдан иборат бўлди. Ўтказилган тадқиқот маълумотлари математик таҳлилининг барча босқичлари батафсил ёритилган:

1. Тушириб қолдирилган (ўлчанмаган қийматлар) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қидирув таҳлили.

Таҳлил учун БЦА РДС усули билан ташхис қилинган каротид атеросклерозга эга беморлар текширув маълумотлари қўлланилди. 148 та беморлардан УАСД>50% бўлган 73 бемор танлаб олинди. Бу беморлар 2 гуруҳга ажратилди: ( $K_1$ ), ( $K_2$ ).  $K_1$  гуруҳга (ўрганилаётган танланма объектлари синфлари) (45 нафар бемор (62%) ТАСПли),  $K_2$  (28 нафар бемор (38%) НАСПли). Ахборот моделини ишлаб чиқиш учун 9 та текширув усулларининг кўрсаткичлари қўлланилди. Ҳар бир бемор долзарб ҳолатини 83 та кўрсаткичлар (белгилар) билан таърифланди, улардан 73 таси миқдорий, 10 таси номинал ўлчов шкаласида ўлчанди.

2. Ахборот белгиларининг тўпламини уларнинг синфларга ажратиш жараёнига ҳиссасини баҳолаш асосида шакллантириш.

Иккита ҳар хил ёндашиш натижалари солиштирилди: ўртачалаштирилган миқдорий кўрсаткичлар қўллашга асосланган анъанавий статистик усуллар ва интеллектуал таҳлил усуллари.

$K_1$ ,  $K_2$  синфлари бўйича миқдорий белгиларнинг статистик тавсифи 12-жадвалда келтирилган.

3. Шовқинли объектларни ўчириш орқали ўрганиладиган танланмани шакллантириш.

Ишда иккита умуман ҳар хил ёндашиш натижалари солиштирилди: ўртачалаштирилган миқдорий кўрсаткичлар қўллашга асосланган анъанавий статистик усуллар ва интеллектуал таҳлил усуллари. Бунда қарор қабул қилиш учун шифокор анъанавий статистик усуллар билан танлаш имкони йўқ бир неча информатив кўрсаткичлар қийматларига эга бўлиши етарлиликка таянилди.

## 12-жадвал

### Синфлар бўйича миқдорий белгиларнинг статистик тавсифи

Белгилар, ўлчов бирликлари	K1 (ТАСП)	K2 (НАСП)
ёш, йиллар	67,9±1,5	62,8±1,2
эркаклар/аёллар, n (%)	30/15 (67/33)	25/3 (89/11)*
бўй, м	1,68±0,01	1,70±0,01
оғирлик, кг	78,31±1,89	78,36±2,4
тана вазни индекси, шарт.бир. (кг/м <sup>2</sup> ) (ТВИ)	27,7±0,59	27,2±0,79
юрак қисқариш сони, ур/мин (ЮҚС)	73,91±1,88	76,18±1,87
систолик артериал босим, мм.сим.уст. (САБ)	130,78±3,09	132,5±2,45
диастолик артериал босим, мм.сим.уст. (ДАБ)	80,89±1,65	83,57±1,17
артериал гипертония, n (%) (АГ)	42 (93,3)	26 (92,9)
гиперлипидемия, n (%) (ГЛ)	22 (48,9)	15 (53,6)
семизлик, n (%)	19 (42,2)	7 (25)
қандли диабет, n (%) (ҚД)	14 (31,1)	14 (50)
зўриқиш стенокардияси: n (%) (ЗС)		
II ФС	32 (71,1)	23 (82,1)
III ФС	4 (8,9)	3 (10,7)
анамнезда миокард инфаркти, n (%) (МИ)	6 (13,3)	4 (14,3)
ўтказилган инсулт, n (%) (ИС)	10 (22,2)	16 (57,1)*
периферик атеросклероз, n (%)	1 (2,2)	4 (14,3)
мусбат оилавий анамнез, n (%)	1 (2,2)	5 (17,9)*
чекиш, n (%)	3 (6,7)	7 (25)*
бета-адреноблокаторларни қўллаш, n (%)	32 (71,1)	10 (35,7)*
статинларни қўллаш, n (%)	14 (31,1)	22 (78,6)*
максимал УУА ИМКК, мм	0,99±0,04	1,2±0,05*
максимал уйку артериясининг стенози даражаси, %	44,2±3,6	75,4±2,9*

чап томондаги атеросклеротик пилакча тури	2,86±0,21	3,32±0,31
ўнг томондаги атеросклеротик пилакча тури	3,35±0,26	3,6±0,28
аорта диаметри, см	3,3±0,08	3,17±0,05
охирги диастолик ўлчам, см (ОДЎ)	5,22±0,09	4,56±0,08*
охирги диастолик ҳажм, мл (ОДХ)	132,08±5,19	99,21±3,8*
чап бўлмача диаметри, см (ЧБ)	3,4±0,07	3,12±0,04*
охирги систолик ўлчам, см (ОСЎ)	3,7±0,09	2,94±0,07*
охирги систолик ҳажм, мл (ОСХ)	60,03±3,49	35,04±2,03*
қоринчалараро тўсиқ қалинлиги, см (ҚТ)	1,18±0,03	1,34±0,06*
чап қоринча отиш фракцияси, % (ОФ)	54,18±1,3	64,07±0,9*
уриш ҳажми, мл (УХ)	72,03±2,76	61,5±2,62*
чап қоринча орқа девори қалинлиги, см (ЧҚОД)	1,19±0,03	1,27±0,02*
ўнг қоринча девори қалинлиги, см (ЎҚ)	2,99±0,08	2,72±0,02*
қоринчалараро тўсиқ гипертрофияси, n (%)	1 (2,2)	1 (3,6)
чап қоринча диастолик дисфункцияси, n (%)	12 (26,7)	25 (89,3)*
атриовентрикуляр блокада, n (%)	1 (2,2)	1 (3,6)
Гис тутами чап оёқчаси блокадаси, n (%)	1 (2,2)	1 (3,6)
қондаги қанд, ммоль/л	5,69±0,24	6,68±0,46
умумий холестерин, ммоль/л	5,2±0,16	4,6±0,18
триглицеридлар, ммоль/л	1,8±0,12	2,2±0,29
юқори зичликдаги липопротеидлар холестерини, ммоль/л	0,94±0,02	1,04±0,05
паст зичликдаги липопротеидлар холестерини, ммоль/л	3,7±0,12	3,2±0,15
атерогенлик индекси≤3,0 (ХС ЛНП/ХС ЛВП)	3,98±0,12	3,24±0,16
атерогенлик коэффициенти≤ 3,5 ((ОХС-ЛВП)/ЛВП)	4,59±0,14	3,48±0,15
матрикс металлопротеиназаси-9, нг/мл	200,9±8,5	539,03±57,1
матрикс металлопротеиназанинг тўқима ингибитори-1, нг/мл	1180,98±47,98	2410,2±123,8
ММП-9/ ТИМП-1	0,18±0,009	0,24±0,03
зардобдаги цинк, мкмоль/л	13,7±1,4	15,9±0,62
сочдаги цинк, мкг/г	220,5±17,07	212,5±17,01
пилакчадаги цинк, мкг/г	-	82,8±16,8

Изоҳ: \* - p<0,05.

Ўрганиладиган танланма объектларини таърифлашда миқдорий ва номинал ўлчов шкалаларида ўлчанган турли хил белгилар қийматлари қўлланилди. Номинал белгилар (лингвистик ўзгарувчилар) қийматларининг ҳисоблаш миқдорига бутун сонлар – градациялар қўйилди.

Объектларни таниш сифатини ошириш ва уларнинг у ёки бу синфга тегишлилигига нисбатан қарор қабул қилиш жараёнини тушунтириш учун маълумотларга олдиндан ишлов бериш ўтказилди. Олдиндан ишлов бериш белгиларнинг оғирлиги қийматларини ҳисоблашни; ҳал қилувчи қоида таҳлилий кўриниши (формуласи)ни аниқлашни ўз ичига олди. Ҳар бир алоҳида белгилар ёки улар комбинацияларининг қарор қабул қилишжараёнига ҳиссаси қийматларини ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўлланди

$$\lambda_p = \frac{\sum_{i=1}^2 \sum_{j=1}^{u_p} z_{pj}^i (z_{pj}^i - 1)}{\sum_{i=1}^2 |K_i| (|K_i| - 1)} - \frac{\sum_{i=1}^2 \sum_{j=1}^{u_p} z_{pj}^i z_{pj}^{3-i}}{\sum_{i=1}^2 |K_i| |K_{3-i}|},$$

бунда  $z_{pj}^1, z_{pj}^2$  - тегишлича  $K_1$  ва  $K_2$  синфларининг  $j$  -нчи градация  $p$ - белгининг қийматлар миқдори,  $u_p$   $p$ - белгининг градация сони. Объектларни таърифлашда миқдорий белгилар қийматлари номинал ўлчов шкаласида олдиндан акс этирилган, деб ҳисобланади (Игнатъев Н.А., 2005).

Ўрганиладиган танланма шаклланиш жараёнида 83 белгидан мусбат ҳисса қийматли 51 белги танлаб олинди, улардан АСПнинг нотурғунлиги ҳақида қарор қабул қилишга аҳамиятли таъсир қилувчи 31 белги (ЮИК мавжуд каротид атеросклерозли беморларда НАСП ривожланишининг энг муҳим ҳавф омиллари) ажратилди.

31 та ажратилган белгилар тўплами қийматлар (вазни) “ёйилганлиги” ни ва синфлар орасида ҳар бир белги бўйича оралиқлар чегарасини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилди (13-жадвал).

НАСП баҳолашга қўлланган ёндашув беморлар текширувидан олинган кенг маълумотларни умумлаштириш ва тартиблаштиришга кўмак берди. Белгилар қийматларининг ҳиссалар, оғирликлар ва интерваллар чегаралари каби бундай кўрсаткичлар қийматлари ҳозирги вақтда маълум усулларни қўллаб умуман қилиш мумкин бўлмаган янги ахборот билимини олиш имконини берди.

4. Ҳар бир объект учун белгиларнинг индивидуал ахборот тўпламларини танлаб олиш.

Маълумотлар таҳлили усулларида бири сифатида турли хилдаги белгилар орасида омиллар синтези (комбинирланган белгилар) қўлланилди (Игнатъев Н.А.,2005; Колесникова С.И., 2009). Синтез мақсади ҳар бир алоҳида белгилардан кўра, синфларга бўлинишига ҳиссаси ҳақида қарор қабул қилиш учун энг аҳамиятли комбинацияларни танлаб олиш ҳисобланди (4-расм).


### 13-жадвал

#### Синфлар орасида оралиқлар чегараси ва белгиларнинг қийматлари (оғирлик) ёйилганлиги

Белгилар номи	Синфлар орасидаги чегара	Минимал қиймат	Максимал қиймат	Белгининг оғирлиги
Ёш, йиллар	62.000	46.000	88.000	0.284
АСП майдони, мм <sup>2</sup>	187	142	285	0.264
Оғирлик, кг	72.000	57.000	114.000	0.251
ТВИ, ш.б. (кг/м <sup>2</sup> )	25.181	19.818	39.063	0.254
ЮКС, ур/мин	73.000	52.000	128.000	0.265
САБ, мм.сим.уст.	125.000	90.000	220.000	0.259
ДАБ, мм.сим.уст	80.000	60.000	120.000	0.238
Зардобдаги глюкоза, ммоль/л	5.300	3.700	14.900	0.303
УХС, ммоль/л	4.500	3.100	8.100	0.370
ТГ, ммоль/л	1.720	0.540	6.920	0.254
ЮЗЛ ХС, ммоль/л	0.990	0.590	1.630	0.313
ПЗЛ ХС, ммоль/л	3.250	1.290	6.100	0.303
Атерогенлик индекси, ш.б.	3.400	1.000	5.700	0.356
ИМКҚ/ИАД, у.е.	0.11	0.08	0.17	0.441
ММП-9, нг/мл	274.960	28.100	1241.200	0.678
ТИМП-1, нг/мл	1602.878	775.549	3677.224	0.717
ММП-9/ТИМП-1, ш.б.	0.222	0.011	0.561	0.268
Зардобдаги цинк, мкмоль/л	11.200	2.400	39.200	0.311
Сочдаги цинк, мкг/г	214.568	29.736	482.453	0.251
АСПдаги цинк, мкг/г	207.5	15.399	399.464	0.247

УАСД, %	55.000	0.000	100.000	0.611
Аорта диаметри, см	3.000	2.600	5.200	0.270
ОДЎ, см	4.500	3.100	6.490	0.292
ОДХ, мл	120.000	38.000	215.240	0.471
ЧБ, см	3.000	2.600	4.630	0.259
ОСЎ, см	3.100	2.000	5.350	0.643
ОСХ, мл	42.000	13.000	138.310	0.578
ҚТ, см	1.190	0.800	2.600	0.407
ОФ, %	60.000	36.000	75.000	0.356
УХ, мл	64.000	25.000	124.300	0.296
ЧҚОД, см	1.280	0.900	1.810	0.413
ЎБ, см	2.700	1.960	3.820	0.259

13-жадвал ва 4-расмга кўра солиштирма таҳлил шуни кўрсатадики, белгиларнинг индивидуал ҳисаси ТИМП-1 - 0.678, ММП-9 - 0.717, уларнинг комбинацияси эса 0.838 қийматни беради, бу яширин қонунийлик туридаги маълумотлардан “ажратиб олиш” маҳоратида (янги билимлар) акс этувчи интеллектуал таҳлилнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди.



4-расм. Белгилар комбинациясидан ҳисаси бўйича тартиблштирилган тўпламлар

Шунингдек, белгилар комбинацияси бошқа муаллифлар томонидан объектлар таснифи (синфларга бўлиниш) вазифасидан ташқарида статистик усуллар ёрдамида текширув олиб борилган. Статистик усуллар ёрдамида олинган натижалар 14-жадвалда келтирилган.

**Статистик усуллар билан белгиларнинг жуфт комбинацияси таҳлили  
натижалари**

Кўрсаткичлар ёки улар комбинациялари	Оғирлик (белгининг ҳиссаси)	Кўрсаткичлар комбинациясини статистик усулларда аниқлаган текширувлар	Кузатувлар сони (n)
ММП-9+ТИМП-1	0.7870	Полонская Я.В. ва б. 2011	82
ТИМП-1+УАСД	0.6945	Romero J.R. ва б.2008	1006
ММП-9+УАСД	0.6483	Romero J.R. ва б.2008	1006
Ёш+ТИМП-1	0.6024	GaubatzJ.W. ва б.2010	1678
ЮЗЛ ХС +ММП-9	0.6483	GaubatzJ.W. ва б. 2010	1678
ТВИ+ТИМП-1	0.6036	GaubatzJ.W. ва б. 2010 HanssonJ. ва б. 2009	1678 891
ДАБ+ТИМП-1	0.6036	Hansson J. ва б.2009	891
ЮЗЛ ХС +ММП-9	0.6483	Hansson J. ва б. 2009	891
ТИМП-1+ОФ	0.6036	Hansson J. ва б. 2009	891
ММП-9+ОДЎ	0.6472	Sundström ва б.2004	699
ТИМП-1+ОСЎ	0.7884	Sundström ва б.2004	1069
ТИМП-1+ОДЎ	0.6909	Sundström ва б.2004	1069

5. Аниқланаётган белгилар тўпламини сонли ўқда чизиксиз акс эттириш ва ҳал қилувчи қоидани шакллантириш.

Кўп кўрсаткичли бўшлиқда ташхис қўйиш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, нотурғун атеросклеротик пилакча математик моделини шакллантиришда инструментария сифатида умумлаштирилган баҳолар синтези технологиясини қўллаш тавсия этилган. Умумлаштирилган баҳолар – бу турли белгилар орасида иккита гуруҳ ( $K_1$  ва  $K_2$  синфлар) объектлари ўртасидаги муносабатни сонли ўқда акс эттириш учун қўлланиладиган агрегирланган (комбинирланган) кўрсаткичлар (Игнатъев Н.А.,2005).

АСПни прогнозлаш вазифасини ечишда  $K_1$  ва  $K_2$  синф вакиллари танланмада 31 белги (симптом, синдром)дан иборат аниқланаётган тўпلام бўйича объектларнинг умумлаштирилган баҳолари чизиксиз проекция шаклидаги мантикий қонуниятлар излаш усули қўлланилди. Энг чидамли қонуниятга 5 та бошланғич кўрсаткичлар кирди: бемор вазни, ТИМП-1, ММП-9, ОФ, УАСД. Чегара қийматли ҳал қилувчи қоидага асосан (Игнатъев Н.А., 2014) нотурғун атеросклеротик пилакча индекси (АПБИ) қиймати ҳисобланди.

АПБИ=0.2\*(0.99623\*(y3-0.02887)-0.0061\*(УАСД-55.0))+ 0.8\*(9.1088603533E-03)\* (y3\* УАСД+ 1.41804) - 0.0125, бунда:

y1=0.3\*(-0.00059\*(ММП-9-274.96)-0.0003\*(ТИМП-1-1602.878)) + 0.7\*(-2.6440737712E-07)\*(ММП-9 \* ТИМП-1 -428481.41184);

y2=0.2\*(1.00483\*(y1+0.01192)-0.0091\*(ОФ%-60.0))+ 0.8\*(1.5979164850E-02)\*(y1\* ОФ % + 0.77465);

y3=0.6\*(0.00448\*(вазн-72.0)+ 1.06\*(y2+ 0.00913)) + 0.4\*(1.0333362905E-02)\*(вазн\* y2+ 0.72105).

Агар АПБИ>0, бемор турғун АСП синфига таалуқли, АПБИ<0 – нотурғун АСП синфига киради. Ҳал қилувчи қоида учун чегара қиймат (ИгнатъевН.А.,

$$P = \frac{\min K1 + \max K2}{2}$$

2014) формула бўйича ҳисобланди, бунда  $\min K1, \max K2$  тегишлича,  $K_1$  синфидан умумлаштирилган баҳонинг минимал қиймати ва максимал  $K_2$  дан (ИгнатъевН.А., 2003).

Ушбу ёндашувнинг ўхшаши йўқ ва ўзлаштириш учун қулай, ҳавфсиз, қўллашда етарлича содда ҳисобланади. У атеросклероз профилактикасининг бош вазифасини, яъни атеросклерознинг юрак-қон томир асоратлари юқори ҳавфига эга кишиларни “ўтказиб юбормаслик”ни бажаришга имкон беради. Ишлаб чиқилган атеросклеротик жараён ташхиси моделини текшириш маълумотлари эксперт ахборотига кўра 92% ҳолларда беморлар ташхиси билан тўғри келишини кўрсатди.

Диссертациянинг бешинчи бобида шахсий тадқиқот натижаларининг муҳокамаси келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Юрак ишемик касаллиги ва каротид атеросклерози бўлган кўпчилик беморларда (70%) қон зардобдаги цинк миқдори меъёр доирасида сақланади, бироқ соч ва атеросклеротик пилакчаларда 87% ҳолларда пасайган. Қондаги ва пилакчалардаги цинк даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланган ( $r=0,29$ ,  $p<0,05$ ). Ёш ўтган сари қондаги ( $r=-0,40$ ,  $p=0,03$ ) ва атеросклеротик пилакчалардаги цинк миқдори камаяди ( $r=-0,45$ ,  $p=0,01$ ).

2. Каротид атеросклероз 2-тур қандли диабет билан бирга кечаётган беморларда атеросклеротик пилакчалардаги цинк миқдори қандли диабет йўқ гуруҳга нисбатан 58%га, сочдагиси эса 45%га камайган ( $p<0,05$ ). Қондаги глюкоза даражаси ва сочдаги цинк миқдори ўртасида тесқари боғлиқлик кузатилган ( $r=-0,65$ ,  $p=0,008$ ), бу эса сурункали гипергликемиянинг тўқимадаги цинк етишмовчилигига таъсирини кўрсатади.

3. Умумий уйқу артерияларининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан қондаги цинк миқдори ишончли равишда камаяди ( $r = -0,41$ ,  $p = 0,05$ ). Зардобдаги ТИМП-1 даражаси қондаги цинк миқдори билан тесқари боғланган ( $r=-0,29$ ,  $p<0,05$ ). Бундан фарқли равишда, ММП-9 ва қондаги цинк даражаси ўртасида тўғри корреляция мавжуд ( $r=0,78$ ,  $p<0,0001$ ); шу билан бирга, ММП-9 ўсишида сочдаги цинк даражаси пасаяди ( $r=-0,66$ ,  $p=0,006$ ), бу эса Znнинг каротид атеросклерози бўлган беморларда, айниқса симптомсиз ҳолатларда, ММП/ТИМП мувозанатидаги регулятор ролини тасдиқлайди.

4. АСП биоптатларининг морфологик текшируви шуни кўрсатдики, симптомсиз гуруҳда уйқу артерияларидаги гемодинамик аҳамиятли стеноз ҳолатларида турғун пилакчалар 10%, нотурғунлари эса 30% ҳолларда учраган; симптомли гуруҳда турғун пилакчалар 7%, нотурғунлари 53% ҳолларда аниқланган. Симптомларсиз беморлар гуруҳида нотурғун пилакчаларнинг 75% ҳолда учраши, клиник белгилари бўлмаса ҳам, нотурғун АСП бўлиш эҳтимолининг юқори эканлигини кўрсатади.

5. Ишемик ҳолатларни (БМҚАЎБ/ТИА) бошдан кечирган беморлардаги пиллакчалар морфометриясида нотурғунликнинг яққол белгилари аниқланган: неоваскуляризациянинг ортиши (89% ҳолларда,  $p < 0,05$ ), фиброз қопламанинг юпқалашиши (17%,  $p < 0,05$ ), липид ядросининг катталашиши (94%,  $p < 0,01$ ), бу эса морфологик нотурғунлик билан қон томир асоратлари хавфи ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлигини тасдиқлайди.

6. Симптомли беморларда қон зардобидаги ва АСП биоптатларидаги цинк миқдори симптомсиз беморларга нисбатан ишончли даражада паст бўлиб, мос равишда 17% ва 59% га камайган ( $p < 0,05$ ). Бу Zn етишмовчилигига АСП нотурғунлигининг биомаркери сифатида қараш имконини беради.

7. Гистологик жиҳатдан тасдиқланган нотурғун АСП мавжуд беморлар қон зардобида ММП-9 даражаси 2,8 баробарга, ТИМП-1 эса 2 баробарга ошган, ММП-9/ТИМП-1 коэффиценти 1,3 баробарга ортган ( $p < 0,01$ ), сочдаги Zn миқдори 31%га, АСП биоптатларида 45%га камайган ( $p < 0,01$ ).

8. АСП нотурғунлигини баҳолаш учун 5 та асосий кўрсаткичларни: тана вазни, ММП-9 миқдори, ТИМП-1 даражаси, чап қоринча отиш фракцияси, каротид стеноз даражасини ўз ичига олган мантиқий модель ишлаб чиқилди. Нотурғунлик индексини ҳисоблаш билан ечим қоидаси олинди; моделнинг ташхис қўйишдаги аниқлиги 0,92, сезгирлиги – 92%, махсуслиги – 85% бўлиб, бу унинг клиник амалиётда АСП нотурғунлигини башорат қилишда самарали эканлигини тасдиқлайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ  
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

**УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА**

**РАЗРАБОТКА ДИАГНОСТИЧЕСКИХ И ПРОГНОСТИЧЕСКИХ  
ПОДХОДОВ К ОЦЕНКЕ НЕСТАБИЛЬНОСТИ  
АТЕРОСКЛЕРОТИЧЕСКОЙ БЛЯШКИ С УЧЕТОМ ЦИНКА И ЦИНК-  
ЗАВИСИМЫХ ЭНДОПЕПТИДАЗ**

**14.00.25 – Клинико-лабораторная и функциональная диагностика  
14.00.06 – Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

**ТАШКЕНТ – 2025**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №В2018.2.DSc/Tib314.**

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научные консультанты:**

**Арипов Абдумалик Нигматович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Розыходжаева Гульнора Ахмедовна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:**

**Усманова Дурдона Джурабаевна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Холимбетов Гуломжон Султанбаевич**  
доктор медицинских наук

**Алиева Раъно Бурхановна**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Разового Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № \_\_\_\_\_). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 год.

(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года)

**А.Г. Гадаев**

Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Ш.А. Бабажанова**

Председатель научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность проблемы и востребованность темы диссертации.** Атеросклероз и связанные с ним сердечно-сосудистые заболевания остаются актуальной проблемой как для всего мира, так и для нашей страны. Атеросклеротический процесс длительное время протекает скрытно, пока не приведет к своим клиническим проявлениям в виде ишемической болезни сердца (ИБС), хронической цереброваскулярной недостаточности и их осложнений как инфаркт миокарда, мозговой инсульт, внезапная смерть. В Узбекистане также в структуре смертности лидируют сердечно-сосудистые заболевания, в основном ИБС. По данным Государственного комитета Республики Узбекистан из общего количества зафиксированных случаев смертности за период с января по декабрь 2023 года, 61,1% обусловлены заболеваниями сердечно-сосудистой системы<sup>1</sup>.

По информации Всемирной организации здравоохранения, ежегодное число смертей от сердечно-сосудистых заболеваний в мире составляет около 17,9 миллиона человек. В 2021 году от ИБС в общей сложности умерли 9,1 миллионов человек<sup>2</sup>. Существует мнение, что матриксные металлопротеиназы (ММП-9), его ингибиторы (ТИМП-1) и их соотношение являются существенными маркерами для характеристики стабильности атеросклеротической бляшки (АСБ), что связано с влиянием этих показателей на структуру экстрацеллюлярного матрикса, на коллагеновые волокна фиброзной покрышки АСБ<sup>3</sup>. ММП представляют собой группу цинк-зависимых эндопептидаз, участвующих в разрушении и ремоделировании внеклеточного матрикса соединительной ткани. В их каталитическом центре присутствуют ионы цинка ( $Zn^{2+}$ ), обеспечивающие ферментативную активность. Цинк, как микроэлемент, выполняет ключевую роль в функционировании множества биологических систем за счёт участия в составе цинк-связывающих белков. Активация ММП происходит путём переноса ионов  $Zn^{2+}$  от металлотионеинов к молекуле металлопротеиназы. Ряд исследований выявил связь между снижением уровня цинка в биологических средах организма и развитием таких патологий, как ожирение, сахарный диабет 2 типа (СД2), артериальная гипертензия, ИБС и атеросклероз<sup>4</sup>. При этом, несмотря на наличие данных о снижении концентрации Zn в различных биосредах — включая сыворотку крови, эритроциты и волосы — уровень цинка в волосах, АСБ сонных артерий и сыворотке крови у пациентов с ИБС одновременно до сих пор комплексно не исследовался.

---

<sup>1</sup> Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Демографическая ситуация в Республике Узбекистан за январь-декабрь 2023 года. [https://stat.uz/img/demografiya-press-reliz-26\\_01\\_2024-rus.pdf](https://stat.uz/img/demografiya-press-reliz-26_01_2024-rus.pdf)

<sup>2</sup> WHO. Available Online at: <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death> (accessed August 7, 2024)

<sup>3</sup> Рагино Ю.И., Чернявский А.М., Полонская Я.В., Волков А.М., Каштанова Е.В., Цымбал С.Ю. и др. Воспалительно-деструктивные биомаркеры нестабильности атеросклеротических бляшек: исследования сосудистой стенки и крови// Кардиология. - 2012. - № 5. - С. 37-41.

<sup>4</sup> Tamura Y. The Role of Zinc Homeostasis in the Prevention of Diabetes Mellitus and Cardiovascular Diseases// J. Atheroscler. Thromb. – 2021. – vol. 28. – pp. 1109-1122. doi: 10.5551/jat.RV17057.

В нашей стране успешно проводится ряд работ по развитию медицинской отрасли, адаптации ее к требованиям мировых стандартов, снижению и предупреждению распространения хронических заболеваний различной степени тяжести среди населения. В этой связи поставлены такие задачи, как «...организовать медицинские кластеры в регионах республики в целях дальнейшего приближения оказываемых медицинских услуг к населению и повышения их удобства. Сформировать современную систему управления, обеспечивающую внедрение наиболее образцовых практик управления и контроля качества медицинских услуг на основе мировых стандартов...»<sup>5</sup>. Реализация этих задач позволит вывести уровень современных медицинских услуг на новый уровень изучение диагностических и прогностических биомаркеров нестабильности атеросклеротических бляшек и использовать их в качестве мониторинга терапии при атеросклерозе, а также улучшить использование передовых технологий при оказании качественных медицинских услуг, тем самым снизить показатели инвалидизации и смертности от осложнений заболеваний.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 25 мая 2021г. за №ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и Указами Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018г. за №ПП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и от 28 января 2022г. за №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Исследование проведено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Изучение клинического течения каротидного атеросклероза при ишемической болезни сердца является предметом интенсивных научных изысканий в ряде авторитетных мировых центров и высших образовательных учреждений мира, таких как, St George's University of London, Clinical Sciences Building, Leicester Royal Infirmary (Великобритания), Johann Wolfgang Goethe University Frankfurt am Main (Германия), University of Heidelberg (Германия), Clinic for Thoracic and Cardiovascular Surgery, Heart Centre (Германия), Institute of Community Medicine and Institute of Clinical Medicine, University of Tromsø (Норвегия), Cardiology Institute, Catholic University (Италия), Институт клинической кардиологии им. А.Л. Мясникова (Российская Федерация).

Мировые научные исследования по сосуществованию каротидного атеросклероза и атеросклероза коронарных артерий показали следующие результаты: подтверждено, что каротидный атеросклероз даже в своей

---

<sup>5</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года № УФ-60

доклинической стадии и необструктивных АСБ связан с ИБС и повышенным риском сердечно-сосудистых событий (St George's University of London, Великобритания; Johann Wolfgang Goethe University Frankfurt am Main, Германия); Установлено, что пациенты с одновременным поражением сонных и коронарных артерий относятся к категории особого сердечно-сосудистого риска, однако до настоящего времени отсутствует общепринятая стратегия их клинического ведения (например, по данным University of Heidelberg, Германия). Показано, что проведение каротидной эндартерэктомии у данной группы сопряжено с повышенной вероятностью развития инфаркта миокарда в периоперационный период, тогда как коронарное шунтирование повышает риск возникновения неврологических осложнений (Clinical Sciences Building, Leicester Royal Infirmary, Великобритания); определено, что в общей численности взрослого населения распространенность стеноза сонной артерии составляет примерно 4% (Institute of Community Medicine and Institute of Clinical Medicine, University of Tromsø, Норвегия), у больных ИБС она может достигать 30%-70% (Cardiology Institute, Catholic University, Италия); Выявлено, что среди пациентов, перенесших аортокоронарное шунтирование, примерно у 20% диагностируется стеноз не менее чем одной внутренней сонной артерии (ВСА) с выраженностью сужения свыше 50%. При этом тяжёлые формы стеноза сонных артерий (СССА) с уменьшением просвета более чем на 70% встречаются в 2–12% случаев (Clinic for Thoracic and Cardiovascular Surgery, Heart Centre, Германия).

В настоящее время исследования по выявлению маркеров уязвимости АСБ как предвестников риска развития сердечно-сосудистых осложнений (ССО) проводятся по ряду приоритетных направлений: создание комплекса новых биохимических и молекулярно-генетических маркеров; идентификация и характеристика этих биомаркеров; разработка соответствующих тест-систем и методов оценки; совершенствование методов диагностики нестабильной АСБ; определение при этом роли ММП-9 и ТИМП-1, а также предупреждение нежелательных последствий нестабильных АСБ.

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время для выявления нестабильности атеросклеротических бляшек в каротидных артериях применяется широкий арсенал лабораторных и инструментальных диагностических методик. Тем не менее, лабораторные тесты обладают ограниченной информативностью, поскольку не позволяют достоверно диагностировать нестабильные бляшки на ранних этапах их формирования и точно определить их анатомическую локализацию. Инструментальные методы визуализации, включая ультразвуковое исследование, магнитно-резонансную томографию (МРТ), мультиспиральную компьютерную томографию (МСКТ) и позитронно-эмиссионную томографию (ПЭТ), направлены на идентификацию морфологических признаков нестабильности. К ним относятся истончение фиброзной капсулы, гетерогенность структуры бляшки, наличие эрозий, язвенных дефектов, внутрибляшечных кровоизлияний, кальцинатов, липидного ядра, а также признаков клеточной

активности. Выявление этих характеристик позволяет осуществлять раннюю диагностику нестабильных бляшек и точно определять их локализацию.

Анализ научных трудов таких исследователей, как Токлуева Л.Р., Балахонова Т.В., Страденъ Е.Ю., Шария М.А., Лукьянов М.М., Радюхина Н.В. показали, что данные методы не дают точной информации о риске разрыва бляшки, несмотря на то, что большинство острых сосудистых катастроф связано с тромбозом артерий, вызванным разрывом атеросклеротической бляшки. В связи с этим, поиск новых методов прогнозирования осложнений атеросклерозных бляшек, которые могут быть использованы в клинической практике, остаётся актуальной задачей. Одним из наиболее перспективных направлений является исследование состояния атеросклеротических бляшек сонных артерий с целью прогнозирования сердечно-сосудистых осложнений.

Согласно результатам зарубежных учёных (Рагино Ю.И., Чернявский А.М., Волков А.М. и др.) атеросклеротическая бляшка является динамичным образованием, которое развивается со временем. Анализ воспалительных и деструктивных процессов, сопровождающих различные стадии формирования атеросклеротических поражений в коронарных артериях, а также исследование морфологических типов нестабильных бляшек у пациентов с коронарным атеросклерозом, выявили характерные биохимические изменения. В частности, при признаках нестабильности бляшек отмечается увеличение концентрации ММП-9, наряду с одновременным снижением уровня её тканевого ингибитора — ТИМП-1.

По данным Потеряева О.Н., Турна А.А. ММП являются частью семейства цинк- и кальций-зависимых эндопептидаз, которые играют ключевую роль в разрушении компонентов соединительной ткани. На сегодняшний день идентифицировано 28 различных изоформ матриксных металлопротеиназ, обозначаемых от ММП-1 до ММП-28, каждый из которых имеет специфическую функцию в процессе деградации различных структурных молекул матрикса.

